

# АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

adolat\_sdp@doda.uz ● www.adolat.uz ● № 34 (839) ● 2011 йил, 12 август, жума

## Адолатлилик ҒОЯСИ

ҳамда барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишларидандир

### Фракция йиғилиши

Фарҳод ЭСОНОВ,  
Илб САХАТОВ,  
«Adolat» мухбирлари.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.



Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида тақлиф этилган «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Муҳокамалар

асносида депутатлар мазкур қонун лойиҳаси эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга қаратилганлигини алоҳида таъкидлашди.

Айтиш жоизки, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилинишидан биринчи навбатда, аҳоли ва кичик бизнес вакиллари манфаатдор.


Давоми 2-бетда >>



Савдолим АБДУРАҲМОНОВ,  
«Adolat» мухбири.

Юртбошимизнинг 2009 йил 6 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги ҳамда «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги ҳаётбахш қарорлари вилоятдаги янгиланиш, қурилиш ва ободончилик, қўйингки, эзгу ишларнинг барча-барчасида ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Давоми 3-бетда >>



## Бу бир бўстонки...

унда олиб борилаётган бунёдкорона ислохотлар ва беқиёс ўзгаришлар Наманганни янада кўркам, янада мафтункор этмоқда

## Депутатлик назорати танқидий баҳо олди. Нега?

Концепция:  
устувор вазифалар

Зоҳир Тўрақулов,  
«Adolat» мухбири.

Маълумки, ҳуқуқий-демократик жамиятда қонунлар ижросини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида барча соҳаларда ҳуқуқий меъёрларга риоя этилишини назорат қилишнинг самарали тизимини шакллантиришни, хусусан, Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан қонун ҳужжатларига амал қилиниши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши тақозо этмоқда. Хўш, қонунлар ва қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлашда сиёсий партиялар ва уларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги қандай натижалар бермоқда? Жамоатчилик ва депутатлик назорати ҳудудий муаммоларни ҳал этишга қай даражада кўмаклашмоқда?

Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси билан партиянинг Каттақўрғон тумани кенгашида депутатлар, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, партия фаоллари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда шу каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолияти самарадорлигини таъминлаш, партиянинг нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича зарур вазифалар белгилан олди.



Давоми 2-бетда >>

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, манфаатларини ҳимоя қилиш, интеллектуал салоҳияти ва иқтидорини рўйбга чиқариш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида эътибор қаратилаяпти.

## Фаол аёллар — жамият таянчи

Аёллар қаноти

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ана шу устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда аёлларнинг ҳуқуқий билимини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг кўламли ислохотларни изчил давом эттириш тарафдори. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Андижон вилояти Кенгаши Хотин-қизлар қаноти ташаббуси билан «Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг юксалишида аёлларнинг ўрни» мавзусида ўтказилган семинар-кенгашда ҳам айна шу масалада сўз борди.

Давоми 2-бетда >>

## Мураккаб ва кенг кўламли вазифалар

уни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан кўра ортиб бораётир

Ҳудудий ташкилотларда

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи маърузаси Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоларини янада фаолликка ҳамда келгусидаги ишлар самарадорлигини оширишга ундамоқда. Бунинг биргина партиянинг жойлардаги ҳудудий кенгашларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб вазифаларга бағишлаб ўтказилган ўқув-семинарлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўқув-семинарларида билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилаётган тақлифлар, энг асосийси — ўз-ўзини танқид руҳидаги чиқишлар келгусида ўзининг ижобий самарасини беради, албатта.

Гурлан туманида Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгашлари учун «Демократик ривожланишнинг янги аҳамиятли бўлди. Айниқса,

Депутатлик назорати танқидий баҳо олди. Нега?

— Билими савб, журъатсиз, нўноқ депутатлардан энди сайловчиларга ҳам, партия Кенгашларига ҳам фойда йўқ, — дейди кенгайтирилган йиғилишда ўз ҳисоботи билан қатнашган Пастдарғом тумани Кенгаши депутати Зебо Тўраева. — Аввало, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларига сезгир бўлиб, уларни ҳал этиш йўллари тақлиф этайлик. Электорат ўз манфаатларини дадил ёқлаб чиқаришимизни ҳар қадамда кўриб турсин.

1-2-бет

Электрон ҳисобот афзалликлари

Жорий йилнинг июль ойидан бошлаб, ДСҚнинг расмий www.hisobot.uz веб сайти ойнасида кўшимча интерактив хизмат сифатида жисмоний шахслар учун «Ўзай свой ИНН» ойнаси очилди. Бунда, солиқ тўловчи жисмоний шахс паспорт серияси ва рақамини ушбу ойнага киритиш орқали автоматик тарзда ДСҚнинг «Ягона рестри»дан ўз фамилияси, исми ва шарифи ҳамда идентификация рақамини кўриш имкониятига эга бўлди.

3-бет

Экологик тарбия ва маданият

у қандай шаклланади?

...ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, она-заминда ҳаёт учун зарур бўлган шарт-шароитларга зийн-заҳмат етказмаслик муаммоси аллақачон умуминсоний муаммога айланиб бўлди. Бунинг асоси учун инсонга, у қарда ва қандай яшайдан қатъи назар, энг аввало, экологик тарбия ва маданият зарур. Бу маданиятни эгаллаш инсонни комиллик сари етаклайди.

4-бет

## Партия ҳаёти

# Депутатлик назорати танқидий баҳо олди. Нега?

« Давоми. Боши 1-бетда

Анжуман иштирокчилари даставафал Каттақўрғон туманида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги сай-ҳаракатлар билан танишдилар. Шу мақсадда туманининг Қадан қўрғонда жойлашган "Рустам пластикс" хусусий корхонасига уюштирилган ташриф истеъмол бозорини импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирди, янги технологияларни жорий этиш ва сердаромд иш жойларини яратиш борасидаги имкониятларни аниқлашга хизмат қилди. Танишув жараёнида табиий газ ва сув тармоқларини улашда ишлатиладиган турли ўлчамдаги гоят сифатли полимер қувурлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган жамоа ўз маҳсулотини республикамиз вилоятлариغا тобора кўп миқдорда етказиб бераётгани натижасида корхонанинг рентабеллиги ортиб, даромадлари кўпайётгани маълум бўлди.

"Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгаши раиси Махмуд Бобоёров хусусий корхона жамоасини шу каби ютуқлар билан қутлаб, уларга партия вилоят Кенгашининг faxрий ёрлигини топширди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини бажаришда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда ҳамда бу борада юзга келаятган ташаббусларни рағбатлантиришда Каттақўрғон туманидаги умумий аҳвол битта корхона мисолида ҳулоаса чиқариш учун етарли эмас.

Туман партия кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда тадбиркорликни ривожлантириш борасида йўл кўйилаётган камчиликлар, хусусан, кичик бизнес субъектлари фаолиятини ташкиллаштириш, уларнинг давлат харидлари тизимида иштирок этишни таъминлаш, молия-ҳўжалик фаолиятига дахлдор солиқ текширувларини тубдан қисқартириш зарурлиги ҳақида фикр юритилди.

Айни шу соҳада қабул қилинган қонунлар етарли даражада ижро этилмаётганига сабабли бугун туманда давлат рўйхатидан ўтказилган кичик бизнес субъектларининг 25,6 фоизи мутлақо фаолият кўрсатмай келмоқда.

Демак, қонунлар ижросини таъминлашда, ижро ҳоқимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан самарли назорат ўрнатилишида депутатлар ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланишлари лозим.

Партия йиғилишида айни шу масала муҳокама қилинган бўлди ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолигини оширишга туртки бера олди, десак янглишмаймиз. Партиянинг Каттақўрғон тумани кенгаши раиси, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати Собир Мингбоев анжуман иштирокчиларига сиёсий фаолият самардорлигини таъминлашда депутатлик гуруҳи назоратининг ўрни ва аҳамияти ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Таъкидландики, бугун туманда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда партия Кенгаши ва депутатлар фаолиятида янги чарчаётган кўзга ташланмоқда. Бу аввало, ижронинг назорат қилиши, бошқарув идоралари раҳбарлари масъулиятини кучайтириш, улар фаолиятида ҳисобдорликни таъминлаш ва маҳаллий Кенгаш доирасида қабул



Бироқ ижро ҳоқимияти фаолиятини такомиллаштиришда депутатлик назоратидан етарли фойдаланилапти, дейиш қийин. Бу иқтисодий бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда таш-

ҳисоботи эшитилганлиги ва улар фаолияти танқидий баҳоланиб, зарур йўл-йўриқ ҳамда тавсиялар берилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки бугун сиёсий ташкилотнинг, унинг дастурий ҳоқимияти амалга оширишга масъул бўлган депутатларнинг сай-ҳаракатлари жуда катта ўзгаришлар боғлиқ деб қаралмоқда.

— Билими саёз, журъатсиз, нўноқ депутатлардан энди сайловчиларга ҳам, партия Кенгашларига ҳам фойда йўқ, — дейди кенгайтирилган йиғилишда ўз ҳисоботи билан қатнашган Пастдаргом тумани кенгаши депутати Зебо Тўраева. — Аввало, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларига сезгир бўлиб, уларни ҳал этиш йўлларини тақлиф этайлик. Электрот ўз манфаатларини дадил ёқлаб чиқаятганимизни хар қадамда кўриб турсин.

Депутатнинг таъкидлашича, назоратдан четда қоладиган ҳар қандай иш янги муаммонни пайдо қилади. Биргина мисол, Пастдаргом туманидаги спорт заллари буюртма ташкилотлар томонидан вақтида сертификатлаштирилмай қолгани, ушбу ўқув муассасалари маъмурияти учун ортинча оворагарчиликлар ва харажатларни келтириб чиқармоқда. Натихада, бюрократи вилоят ҳоқимлигининг "Инжинеринг" компанияси раҳбари номига депутатлик сўрови киритишга ва ижронинг талаб қилишга тўғри келди.

Йиғилишда депутатлик гуруҳлари ва депутатлар ҳисоботлари шу зайдда манфаатдорлик ва талабчанлик билан ўрганилди. Бўлажак сайловларга тайёргарлик қилиш, депутатликка номзодларни сиёсий ва ишчанлик ҳислатларига қараб ҳозирданок аниқлаб олиш масалалари ҳам муҳокама этилди. "Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгаши раиси М.Бобоёров кенгайтирилган йиғилишда партияни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилотлар сонини кўпайтириш, уларнинг депутатлар билан ҳамкорлигини кучайтириш, тезкор ахборот алмашишининг электрон усулларида фойдаланиш, электрот муаммоларидан ўз вақтида хабардор бўлиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Мақсад — электрот биздан узоқлашмасин, партиянинг кучи, лаёқати унинг муаммоларини ҳал этишга етишини англаб олсин! Зотан, ишонч қозонинг йўлидаги ҳар битта амалий иш бўлуси сайловларда сайловчилар ҳузурига кириб борадиган партия Кенгашлари ва уларнинг номзодлари учун энг яхши ташрифнома вазифасини ўтайди.

\*\*\*  
Суратларда: "Адолат" СДП вилоят Кенгаши фаоллари ва депутатлари Каттақўрғон туманидаги "Рустам пластикс" корхонаси жамоаси билан учрашуви акс этирилган.  
Муаллиф урган суратлар.

### ... бугун туманда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда партия Кенгаши ва депутатлар фаолиятида янги чарчаётган кўзга ташланмоқда. Бу аввало, ижронинг назорат қилиши, бошқарув идоралари раҳбарлари масъулиятини кучайтириш, улар фаолиятида ҳисобдорликни таъминлаш ва маҳаллий Кенгаш доирасида қабул қилинаётган қарорларнинг тобора аниқ мақсадларга йўналтирилаётганлиги билан аҳамиятли бўлмоқда.

қилинаётган қарорларнинг тобора аниқ мақсадларга йўналтирилаётганлиги билан аҳамиятли бўлмоқда.

Партиянинг туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Шокир Одилов гуруҳ аъзолари томонидан халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларига долзарб масалалар киритилаётганини айтиб, бу ўз навбатида худудда ишсизлик муаммосини енглиштиришга, коммунал, қурилиш соҳаларини ривожлантиришга ёрдам бераётганлигини аниқ мисолларда кўрсатиб ўтди.

қил этиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолининг тобора кенг қатламларини тадбиркорликка жалб этиш, хорижий инвестицияларни муҳим тармоқларга йўналтиришда сусткашликлар бартараф этилмай қолгани, ушбу ўқув муассасалари маъмурияти учун ортинча оворагарчиликлар ва харажатларни келтириб чиқармоқда. Натихада, бюрократи вилоят ҳоқимлигининг "Инжинеринг" компанияси раҳбари номига депутатлик сўрови киритишга ва ижронинг талаб қилишга тўғри келди.

Партия фаолларининг кенгайтирилган йиғилишида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг

# Адолатлилик ғояси

ҳамда барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишларидандир

« Давоми. Боши 1-бетда

Чунки, қонун лойиҳасида ўз аксини топган нормалар кредит ахбороти алмашинуви тизимини такомиллаштиради. Бу эса кредитот ва қарздор орасидаги ахборот бўшлиғини тўлдирди. Шунингдек, кредит ажратилишидаги вақт қисқариб, тадбиркорлик рисклари камайтириш ва кредитлаш ҳажми ошади. Бу ўз навбатида тадбиркорликни янада ривожлантиришга, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Ушбу масала юзасидан парламент кўйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Қ.Тошматовнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаги муҳокама жараёнида берилган тақлиф ва тавсиялар асосида лойиҳанинг айрим моддаларига таҳририй ва таркибий ўзгаришлар киритилиб, иккинчи ўқиш муҳокамага тайёрланди. Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан моддама-модда кўриб чиқилди. Шундан сўнг депутатлар партия мақсад ва вазифаларидан, электрот манфаатларидан келиб чиқиб, ўз тақлиф ва тавсияларини билдирган ҳолда қонун лойиҳасини амалга ошириш мuddатини тегишли равишда мақбуллаштиради.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида сўз олган фракция аъзолари қонун лойиҳасининг янада такомиллаштурувчи хизмат қилувчи тақлиф ва тавсияларини беришди. Шу билан бирга, мазмун-моҳияти ҳусусида ҳам ўзаро фикр алмашди.

— "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг бир қатор моддаларига тегишли ўзгаришлар ва



қўмитаси аъзоси Ф.Омонова. — Банкротлик таомилни ўтказиш мuddатларини мақбуллаштириш мақсадида қонун лойиҳаси билан Қонуннинг 49-моддасига ҳўжалик судининг мажлисида банкротлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилишини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан икки ойлик мuddатгача қисқартиришни назарда тутувчи ўзгариш киритилиши тақлиф этилмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши банкрот корхоналарни тугатиш билан боғлиқ айрим тартиб-қоидаларни амалга ошириш мuddатини тегишли равишда мақбуллаштиради.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида сўз олган фракция аъзолари қонун лойиҳасининг янада такомиллаштурувчи хизмат қилувчи тақлиф ва тавсияларини беришди. Шу билан бирга, мазмун-моҳияти ҳусусида ҳам ўзаро фикр алмашди.

қўшимчалар киритилмоқда, — деди фракция аъзоси К.Ҳамидова. — Хусусан, кредиторлар йиғилиши баённомасини ҳўжалик судига топшириш ва банкротлик ишини кўриш, суд ҳўжатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш, қарздорнинг қорхонасини сотиш мuddатлари, шунингдек, тугатишга доир иш юритишни бошлаш, бу ҳақдаги маълумотларни эълон қилиш, кредиторларнинг талабларини қондириш навбати, қарздорнинг мол-мулкни сотиш, тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақидаги ҳисобот, мажбурий тўловлар ва молиявий санкциялар бўйича қарздор бўлган қорхонанинг реализация қилинмаган мол-мулки ва қарздорнинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулкни тасарруф этишининг ҳуқуқий муносабатларини белгиловчи нормалар ушбу қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда. Бу эса, адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатла-

рини ҳимоя қилишга хизмат қилади. "Адолат" партиядан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишларидан бири ҳам айнан шу. Шу нуктаи назардан ушбу қонун лойиҳаси партиянинг мақсад ва вазифаларига тўла мос келади.

"Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26 ва 27-моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда фракция аъзолари муҳокамага киритилди.

Ушбу масала юзасидан Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси Ш.Ҳайдаровнинг маърузаси тингланди: — Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорининг 6-бандини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган. Мазкур Қарорга қўра, Вазирлар Маҳкамаси тарҳида норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига

олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича комиссия ташкил этилган ва унинг Низомни тасдиқланган. Шундан келиб чиқиб, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонуннинг айрим моддаларига юқоридаги масалаларда лицензия бериш тартиб-таомилларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ҳамда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсатномалар бериш тартиби-қоидалари тўғрисида"ги ҳамда "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсатномалар бериш тартиби-қоидалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари муҳокамага киритилди.

Эътироф этилгандек, мазкур қонунларнинг қабул қилиниши тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги сунъий тўсиқларни бартараф этишда, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, фракция йиғилишида бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Муҳокама этилган қонун лойиҳалари депутатлар томонидан маъқулланиб, қўрилган масалалар юзасидан фракция нуктаи назари белгилаб олинди.

# Мураккаб ва кенг кўламли вазифалар

уни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан кўра ортиб бораётир

« Давоми. Боши 1-бетда

— Мамлакатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепция Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича ташаббусларни янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари кўрсатиб ўтилди. Шунинг учун ҳам мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан кўра ортиб бораётир. Даврнинг ўзи эса демократик фуқаролик жамиятининг асоси бўлган сайловчилар ва масъулиятли дамларда сиёсий партияларни қўллаб-қувватлаган электрот ишончини оқлашга асосий эътибор қаратишни тақозо этаётир. Шу боис, вилоят партия ташкилотимиз ўзининг таянч нуқталари ҳисобланган бошланғич партия ташкилотларидан то мамлакат партия фаолиятигача бўлган тизимини янада мустаҳкамлашга, етакчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларга устувор аҳамият қаратмоқда.

Таъкидландики, Концепция барча соҳаларимизнинг янада юксалишида муҳим дастуриламал бўлмоқда. Шу ўринда айтиш керакки, мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти давлат ҳоқимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятининг ошиши, партия марказий органларининг иш самардорлигини кучайтириш механизмидаги такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишимизни таъкидлаш керак.

Ўқув-семинарда 159 та бошланғич партия ташкилотларига 6201 нафар аъзоси ўзида жамлаган Хоразм вилояти ҳамда 319 та БПТга бирлашган 4280 нафар аъзоси мавжуд Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгашлари фаолияти танқидий нуктаи назардан таҳлил қилинди. Хусусан, марказий ва худудий партия ташкилотларда ўтказилаётган тадбирларни

сифат жиҳатидан талаб даражасида деб бўлмаслиги, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳларининг истиқболлиги лойиҳалар билан худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича ташаббусларни янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари кўрсатиб ўтилди. Шунинг учун ҳам мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан кўра ортиб бораётир.

Ислохотларнинг навбатдаги тараққиёт босқичидаги сиёсий жараёнларда, партиялар ўртасидаги сиёсий ўрашда ўзимизнинг муносиб ўрнимизни сақлаб қолишимиз лозим, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси У.Жуманиязов. — Бу билан жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаолиятка ўз ҳиссамизни қўшимиз керак. Олдимизда турган вазифалар эса ҳар бир партия фаолидан янада масъулият билан ишланиш талаб этади. Шу ўринда ўз олдимизга савол қўйайлик: сиёсий партиялар кенг фаолият юритишлари учун етарлича ҳуқуқий база яратилган. Ҳуш, депутатлик гуруҳлари жамоатчилик назорати имкониятларидан етарлича фойдалана олаётганми? Партия ўз электорати манфаатини қанчалик ҳимоя қилапти? Бугунги семинар ана шундай саволларга жавоб изланиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўқув-семинар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг "Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш борасида Ҳўкумат томонидан амалга оширилаётган чора — тадбирлар дастури, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида"ги ҳисоботининг асосий жиҳатларига бағишланган маърузалар тингланди.

Ўқув-семинар сўнггида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб кўтиб олиш ҳамда демократик ислохотларнинг янги босқичида партия фаолиятини тубдан ўзгариши борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди.

## Фаол аёллар — жамият таянчи

« Давоми. Боши 1-бетда

Партиянинг туман ташкилотлари раислари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, жойлардаги раислар ҳамда партия фаоллари иштирокидаги семинарда вилоят партия Кенгаши раиси А.Шодмонов аёлларга бўлган эътибор ортиб бораётгани, бунга жавобан мустақиллигини мустаҳкамлаш ва барча жаҳалларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида андижонлик аёллар фаоллик кўрсатаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Семинар давомида вилоят партия Кенгаши Хотин-қизлар қаноти раиси М.Мусаеванинг "Истиқлолнинг истиқболли аёллари", Избоскан тумани кенгаши раиси Ю.Нишонваннинг "Демократик жамиятда аёлларнинг ўрни" каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Таъкидланганидек, бугун партияимиз сафидаги аёллар фаоллиги ортиб бормоқда. Уларнинг бири раҳбар, бири тадбиркор, бири эса сиёсатчи.

— Чиндан ҳам бугун ҳар бир жаҳалда аёлларнинг алоҳида ўрни бор, — деди вилоят Кенгаши депутати М.Мирзаев, — Шу ўринда партияимизнинг ўз олдида кўйган мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ҳам улар жонбозлик кўрсатаётганлигини айтиб ўтмоқ лозим. Биргина партияимиз фаолларидан "Шахрихон хунармандалари" МЧЖ раҳбари М.Мўйдинованинг 2011 йилнинг ўтган 6 ойи давомида 20 дан ортки янги ишчи ўринлари яратгани, партияимиздан сайланган Халқ депутатлари Андижон тумани Кенгаши депутати Д.Алихонваннинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги амалий ташаббуслари, Пахтаобод тумани кенгаши раиси З.Кимсанованинг маҳаллий кенгаш сессияларида долзарб масалаларни кўтариш чикаётганлиги алоҳида эътирофга лойик.

Семинар якунида партия сафидаги аёллар фаоллигини янада ошириш ҳамда Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб кўтиб олиш борасида олдинда турган вазифалар белгилаб олинди.

# Бу бир бўстонки...

## унда олиб борилаётган бунёдкорона испоҳотлар ва беқиёс ўзгаришлар Наманганни янада кўркам, янада мафтункор этмоқда

« Давом. Боши 1-бетда

Бугун, кўз ўнгимизда вилоятнинг яқин ва узоқ туманларидаги қишлоқларида тортиб, то унинг маркази — Наманган шаҳрида ҳам бутун республикамизда бўлаётгани каби бунёдкорлик ишлари авжи палласига чиқди.

Дейлик, доводнда бошланган йўлсозлик Наманган шаҳрининг қоқ марказида, шаҳарга кириш-

ниҳоллар яқиндагина, шу йилнинг кўкламида экилган эди. Парваршиш ва эътибор натижасида улар қисқа фурсатдаёқ дуркун яшнаб, кўзни қувнатадиган бўстонга айланди. Ана шу боққа туташ («Ангор»дан кейин ўнг томонда) салобатли Наманган аэропорти ва унга элтувчи кенг-равон йўлдан ўтгач, чорраҳанинг ўзидаёқ Наманган шаҳрининг янги қиёфаси қаршингиздан чиқади.

Таъбир жоиз бўлса, бу ман-

ИСТИҚЛОЛ яратган имкониятлар самарасидир.


Меҳнаткаш, содда, дўлвори одамларимиз табири билан айтганда, бизнинг энг катта ютуғи — қийматини ҳеч бир нарса билан таққослаб бўлмайдиган тинч, осойишта, фаровон ҳаёт тарзимиз. Бир тишлам ҳалол номинизни хотиржам тановул қилаётганимиз, айрим давлатлардаги сингари тахлика билан уйқуга ётиб, кутку билан уйғонмаётган-

гайиб бормоқда. Масалан, Тўра-кўрғондаги Шаҳанд қишлоғининг Мажнунтол маҳалласида яшовчи Эргашбой Қайумов ўз ҳовлисида чоғроққина олти сотихли ерда лимон кўчатлари етиштириб, ундан мўмайгина даромад топаётган бўлса, ўтган бир-икки йилнинг ўзида кўшни Янгиқўрғон туманининг «Шарқ юлдузи» қишлоғидаги 300 га яқин хонадонда катта-кичик иссиқхоналар пайдо бўлди.

Яна бир мисол: Уйчи туманининг Машад қишлоғида мулкдорлар сафи кун сайин кенгаймоқда. Дейлик, бугун шу қишлоқлик Махмуджон Асқаров, Акмалхон Дедабоев ҳамда Тўрамирза Комилов сингари тадбиркорларнинг ҳар бири ўн-ўн беш мингтадан товуқ боқишмоқда. Бундай мисолларни вилоят аҳли ҳаётдан истаганча келтириш мумкин.

Наманганда ҳар бир соҳани ривожлантиришга қаратилган ва уларнинг бажарилиши борасида вилоят ҳокимлиги томонидан доимий назоратга олинган аниқ мақсадли дастурлар ва чора тадбирлар ишлаб чиқилган. Шунга кўра, бугун вилоят ҳудудини улкан бунёдкорлик майдонига қиёслаш мумкин. Дейлик, шаҳарга кираверишдаги биринчи — чоғроқ чорраха тархининг ўзида яқин йиллар орасидаги тараққиётнинг ўзига хос андозаси мўҳкам. Ундаги кўш светофорнинг хрустал кўзли чироқлари жиқлиси — баъйни замоннинг сайқали акс этган мўъжиза.

Чорраҳадан ўтган, сўл томонда вилоят Миллий банк биноси қад кўтарган. Бу бино яқин-яқинда ҳам «Фазо» меҳмонхонаси номи билан машҳур эди. Лекин унга бирон жўяли меҳмонни жойлаштириш истиқолали кўринарди. Энди эса, таниб бўлмаган даражада таъмирланган, вилоятнинг энг мўҳташам, мактанса арзиғулик иншоотига айландики, кўрган киши қалбиди фаҳр туйғуси уйғонади.



Миллий банкнинг шундоқки-на қаршисида яна бир мўҳташам бино — Наманган автосалонининг ойнаванда, ҳашамдор савдо зали ва унга қатор тизиб қўйилган турли русумдаги, ўзимизнинг ифтихоримизга айланган «Шевролет»лар кўзни қамаштиради. Негаки, нари борса бундан ўн беш йиллар муқаддам бундай машиналарни сотиб олиб эгаллик қилиш у ёқда турсин, уларни ўз кўзинг билан кўриш ҳам дилдаги орзу эди.


Айтгандай, шаҳарга мана шу Тўрақўрғон томондан кириб борсангиз, бу икки бино мисоли эшикнинг икки табақаси ёки бирга улаётган оға-инилар сингари уйғунлик касб этган. Йўлнинг сўл томонидаги бир-бирига уйқашиб кетган бошқа бинолар ҳам Шарқ ва Фарб меморчилик аъналарининг энг замонавий услубларини ўзида мужассамлаштирган мана-ман ансамбллардан кам эмас.

Дастлабки қадамнинг ўзидаёқ Республикада ўзига хос аъна тусини олган кўприқсозлик намунаси — кўтарма иншоотдан ўтиб бораркансиз, яқиндагина қайта бунёд этилган замонавий «Яшил» деҳқон бозори устидан чиқасиз. Кўчанинг ушбу кўприқкача бўлган қисмидан сал олдинроқ йўл иккига бўлиниб, унинг

ўнг томонга қайрилиб кетган қисми шаҳарни айланиб ўтувчи кенг ва раво халқа йўлига ула-ниб кетади. Бу йўл қарий 20 километрдан сўнг шаҳарнинг «Лола» даҳасига, демакки, Наманган — Андижон йўли кесишган чорраҳада жойлашган вилоятнинг энг катта — «Жаҳон» бозори олиб боради. Бугун ушбу кўчанинг «Жаҳон» бозоригача бўлган қисмида олиб борилаётган бунёдкорлик намуналарини санаб-саногога етиш қийин. Инчунин бу кўчада қайнаётган ҳаётнинг ўзи алоҳида бир мавзу.

Биз эса, юқорида айтилган кўприқдан ўтиб, тўппа-тўғри Наманган шаҳрига кириб бораркансиз, кўчанинг «Қалъа» чорраҳасига етгунча бўлган оралиқдаги хали айтганимиз — «Яшил» деҳқон бозори, унинг қаршисида жойлашган «Навбахор» стадионида кетаётган таъмирлаш ишларидан тортиб, болажонлар билан рағдум истироҳат боғини ва яна қатор иншоотлар ёнидан ўрин олган «Шарқ зиёкорининг Намангандаги ҳашаматли китоб савдоси дўкони ва шунингдек, Теннис корти, ўнг томон пастликдаги турар жой биноларини кўздан кечириб борамиз. «Қалъа»дан ўтгач қаршимиздан яна бир кўприқ келади. Биз унинг ости-

дан ўтамыз. Унинг устидан сўл томонга ҳаракатланаётган уловлар вилоятнинг шимолий қисмида жойлашган сўлим табиатли Косонотдаги боради. Биз эса шаҳарга кўприк остидан ўтишимиз биланок ўнг томондаги буюк шoir Бобораҳим Машраб ёдига атай қурилган бог кафтдек кўри-ниб туради. Ростга гап, кўчанинг шу қисмида, айниқса, мазкур бог ичида олиб борилган ишларни ҳикоя қилсак, бир мақолага сиг-майди, шу боис минг бора эшит-гандан кўра, бир бора кўрган ях-широқ. Боз устига яна уч-тўрт юз қадам юрганингиздан сўнг, маш-хур «Пахлавон»дан сал берирок-да яна йўллар бўлинади. Бу йўлларнинг ҳар бирида ҳаёт жа-ғум, иш қизгин. Йўлсозлар кун-нинг айтиганимиз — «Яшил» деҳ-қон бозори, унинг қаршисида жойлашган «Навбахор» стадиони-да кетаётган таъмирлаш ишларидан тортиб, болажонлар билан рағдум истироҳат боғини ва яна қатор иншоотлар ёнидан ўрин олган «Шарқ зиёкорининг Намангандаги ҳашаматли китоб савдоси дўкони ва шунингдек, Теннис корти, ўнг томон пастликда-ги турар жой биноларини кўздан кечириб борамиз. «Қалъа»дан ўтгач қаршимиздан яна бир кўприқ келади. Биз унинг ости-



даги рамзий дарвозадан бошлаб, қўшни вилоят — Андижон тараф-га чиқиб кетилмаган «Оқ йўл»га-ча бўлган масофада мисли кўрил-маган даражада амалга оширил-ди. Бу жойлар нафақат ой са-йин, ҳатто кун сайин яшариб, чи-рой очмоқда. Янги-янги бинолар, қўшқават иншоотлар қад ростла-ётгани кишини мамнун қилади. Наманган шаҳрининг Тўрақўрғон тумани билан туташ ҳудудиде, йўлнинг сўл томонидаги ям-яшил бог борлиқда ажиб бир мафтун-корлик бахш этган. Бу боққа илк

заралар мисоли бир игга тизил-ган дур шодасига ўхшайди. Бу шодалар овоз ва обод Ватан-нинг бир бўлаги — Наманган ви-лоятда умргузаронлик қилаёт-ган бунёдкор элнинг эркин ва фаровон ҳаётидан мўжда. Қола-верса, кўп кутбди дунё ахли-нинг аксари жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозидан қутли-ш чораларини излаётган бир пайтда юртдошларимиз мактан-са, фахрланса арзиғулик ютуқлар-ни бирин-кетин кўлга киритиш-моқдаки, бу энг аввало, буюк

лигимизнинг ўзи катта бир бахт! Шу нуқтаи назардан, вилоят-нинг қай бир гўшасига борманг, тинч-осойишта ҳаётдан руҳ олиб, ширин бунёдкорлик ташвишлар-ига қўшилиб яшаётган одамлар-ни жуда кўп учратасиз. Айниқса, ер билан тиллашаётганларнинг аксари ўз масканларида бог-роғ-лар барпо этишга, дўппидек жой- бўлса, иссиқхоналар бунёд этиб, эл дастурхонини тўлдиришга ас-тойдил бел боғлаган. Хуллас, «Ўзимга ҳам, элимга ҳам бўлсин!» дейдиганлар сафи тобора кен-

# Электрон ҳисобот афзалликлари

**Солиқ**  
Учқун ЧЎЛИЕВ,  
Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси Ахборот тизимлари шўъбаси раҳбари.

Мамлакатимизда давлат солиқ хизмати органларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси томонидан бепул интерактив давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Солиқ тўловчи юридик шахслар учун кўрсатилаётган интерактив хизматлардан фойдаланиш мақсадида 2011 йилнинг олти ойи домида 4036 нафар солиқ тўловчи юридик шахсларга электрон рақамли имзо қилини ва сертификатлари берилди. Вилоят бўйича 2306 та корхона ва ташкилотлар томонидан ҳисоботлар электрон шаклда тақдим этилди. Ахамиятлиси, ушбу корхона ва ташкилотлар томонидан 9488 та ҳисобот Интернет тармоғи орқали юборилди. Бу албатта, ҳўжалик юритувчи субъектларда ахборот технологияларининг ўрни ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимлари ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан Интернет тармоғи орқали жорий этилган интерактив хизматлар тизими солиқ тўловчилар учун ахборот ва маълумот айлантиришнинг энг қулай, арзон ҳамда ишончли воситаси бўлиб қолди. Ушбу тизимдан фойдаланиш эвазига солиқ тўловчилар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, зарурий ҳужжатларни электрон кўринишда шакллантириш ҳамда солиқ органларига жўнатиш имкониятига эга бўлдилар. Бунда, биринчидан, ҳужжатларни қозғ кўринишда топширишга эҳтиёж қолмади. Иккинчидан, солиқ ва молиявий ҳисоботлар Интернет тармоғи орқали юборилаётганидан буён

айрим мантикий ҳамда арифметик ҳатоларнинг олди олинди-ган бўлди. Мўҳими, солиқ орган-га бориш, навбат кутиш, ҳисоб-отни топшириш ва қайтариш учун сарфланадиган вақт тежа-лади.

Интерактив хизматдан фойдаланишнинг яна бир қулай томони шундаки, ҳисоботларни электрон рақамли имзо орқали кўнинг исталган вақтида — 24 соат мобайнида бемалол топши-риш мумкин.

Бундан ташқари, масалан, солиқ тўловчи ўз иш жойида ўтирган ҳолда солиқ идоралари томонидан жорий этилган интерактив хизматлар сайтдан ўзи учун лозим бўлган бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар маълумоти ва солиштирма далолатномадан қисқа муддатда нусха олиши мумкин. Бу тизимнинг яна бири аҳамиятли жи-ҳати — унда текширишларни ўтказиш бўйича республика режа-жадвалидан бемалол кўчирма олиш имконияти яратилган.

Жорий йилнинг июль ойидан бошлаб, ДСҚнинг расмий www.hisobot.uz веб сайти ойна-сида қўшимча интерактив хиз-мат сифатида жисмоний шахслар учун «Узнай свой ИНН» ойнаси очилди. Бунда, солиқ тўловчи жисмоний шахс паспорт серия-си ва рақамини ушбу ойнага ки-ритиш орқали автоматик тарзда ДСҚнинг «Ягона реестри»дан ўз қамиллиси, исми ва шарифи



ҳамда идентификация рақамини кўриш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, солиқ тўловчи жисмоний шахсларга интерактив хизмат кўрсатиш порталидаги «Шахсий карточка» ойнасида шахсий карточкада ҳисобланган, тўланган суммалар, мавжуд солиқ қарзлари ёки ортиқча тўловлар тўғрисидаги маълумотларни ҳам олади.

Бир сўз билан айтганда, Интернет тармоғи орқали жорий этилган интерактив хизматлар тизими солиқ тўловчилар учун — у ҳоқ юридик, ҳоқ жисмоний шахс бўлсин — энг қулай ва ишончли маълумот айлантириш манбаи-га айланмоқда.

Яна бир мўҳим янгиликлардан бири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги «Кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури тўғриси-даги қарорига мувофиқ ҳамда тадбиркорлик субъектларига қулай шaroитлар яратиш, солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва солиқ мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ бажаришларига қўмақлашиш, ахборот хизмати кўрсатишнинг янада такомиллаштиришнинг кенг қўла-ми чора-тадбирларини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 майдаги «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатишнинг янада такомиллаштириш бораси-

даги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг ягона маълумотлар базасини ташкил этиш ҳамда солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланган бўлиб, унда тадбиркорлик субъектларини ўзга-ришлардан хабардор қилиб бо-риш борасидаги долзарб тад-бирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Хусусан, Давлат солиқ қўмитасининг «www.soliq.uz» расмий веб-сайтини янада такомиллаштириш режалаштирилган бўлиб, унда юридик ва жисмо-ний шахслар учун қонун ҳў-жатларида берилган солиқ им-теъизларига оид структуравий маълумотномани жойлаштириш ва уни мунтазам равишда ян-гилаб бориш ҳамда солиқлар-ни тўлаш учун қвтанцияларни шакллантириш имконини яра-тиш масаласи ҳам инобатга олинган.

Энг мўҳими, солиқ тўловчи-ларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш, шунингдек, солиққа оид мажбуриятларини ўз вақти-да бажармаганиги учун жа-воб-гарлик чоралари тўғрисида те-лекоммуникация каналлари ор-қали хабардор қилиш механиз-мини таъбиқ этиш назарда ту-тилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 6 моддасига мувофиқ, товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотларда унинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати, айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати, товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли каби маълумотлар кўрсатилиши шарт.

# Пардоз қиламан деб...

**Қинғир иш — келтирар ташвиш**  
Хусен ТАНГРИЕВ,  
Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати инспектори.

Сертификатланиши шарт бўлган товарларда эса истеъмолчи-га унинг сертификатланганли-ги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим. Чунки бу истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ва мол-мулкка ет-казилган зарарнинг олдини олиш-га хизмат қилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Махсулотларни сертификатла-штириш тартиботини соддалашти-ришга доир қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, парфюмерия ва косме-тика воситалари ҳам сертификат-лар билан олиб кирилгани маълум бўлди.

Халқаро ОАВДА тарқатилган маълумотларга кўра, ушбу тур-даги товарларнинг бозори чақ-қонлигидан фойдаланиб, Шар-қий Европа ва Осиёнинг айрим давлатларида нуфузли компания-лар махсулотларнинг қалбаки нусхаларини тайёрлаш ва тарқ-атиш ҳолатлари мавжуд. Бундан Марказий Осиё давлатлари ҳам холи эмас. Мўмай даромадни қўзғайдиган «тадбиркор»ларнинг хиссаси ўлароқ, контрафакт кос-метика ва парфюмерия махсулот-ларини ички бозорларимизга олиб киришга уринишлар ҳам учраб турибди.

Мўтахассисларнинг таъкидла-шича, сиртдан қараганда асл нус-хасидан фарқи сезилмайдиган сохта атторлик моллари тарки-бидаги қимёвий моддалар кўпроқ

канцероген ва нейротоксик ху-сусиятларга эга ва бу улардан фойдаланиш аллергия ва асаб тизими бузилиши каби турли ка-салликларини келтириб чиқари-ши мумкин экан.

Шу сабабдан ҳам республика-миз божхоначилари томонидан кос-метика ва парфюмерия воситала-рининг ноқонуний олиб ўтилиши-га қарши қаратилган чора-тадбир-лар мунтазам олиб боришмоқда.

Наманган вилояти божхона бошқармаси ходимлари томони-дан Қамчиқ доводнида ҳаракатла-наётган «Нексиа» русумли авто-машина тўхталиб текширилган-да, унда андижонлик Р.Каримов томонидан 11 турдаги 940 дона аёллар парфюмерия махсулотла-рини яширин равишда олиб кети-лаётганлиги фош этилди. Бож-хона расмийлаштирувидан ўт-казилганлигини тасдиқловчи ҳў-жатлари бўлмаган мазкур товар-лар муқаддам ноқонуний йўллар билан олиб кирилгани маълум бўлди.

Андижонлик божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари билан ҳам-корликда Марҳамат шаҳридаги фуқаро О.Абдузавога тегишли хонадон қонунчиликда белгилян-ган тартибда кўздан кечирилган-да, ҳеч қандай ҳўжатлари бўлмаган 36 турдаги парфюме-рия молларининг йирик туркуми яширин равишда сақланаётганли-ги аниқланди. Суриштирув нати-жасида қиймати 9 млн. сўмдан ор-тиқ 1619 дона косметика воси-талари юртимизга қўшни дав-латдан муқаддам кичик туркум-ларда ноқонуний равишда олиб кирилгани ойдinлашти.


Тошкент вилояти божхоначи-лари томонидан ҳам пардоз-ан-доз воситаларининг ноқонуний

олиб кирилишига чек қўйилмоқ-да. Жумладан, «Навойи» божхо-на пости орқали юртимизга ки-риб келаётган фуқаро Г.Гулямо-ва ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, унинг қўл сумкасига яширилган 9 тур-даги 183 дона «Garnier» кремла-ри мавжудлиги аниқланди. «Тад-биркор» аёл божхона баённома-сида ва озаки сўров пайтида кос-метика воситаларини мавжудлиги хусусида божхоначиларни хабар-дор этишни «унутиб» қўйганини айтган.

Тошкент вилояти божхона бош-қармасининг Контрабандага қарши кураш бўлими ходимлари томонидан Урта-Чирчиқ тумани-да ҳаракатланаётган фуқаро Л.Азамов бошқарувдаги «КамАЗ» юк машинаси ва Р.Маманов бош-қарувдаги «Ласетти» автомаши-наси текширилганда, уларда 107 хил турдаги салкам 67 минг дона парфюмерия ва бошқа ҳўжалик моллари ноқонуний равишда олиб кетилаётганлиги фош этил-ди. Аниқланишича, божхона рас-мийлаштирувини тасдиқловчи ҳўжатлари бўлмаган мазкур то-варларнинг умумий қиймати 74 млн. сўмдан ортиқ экан. Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзаси-дан суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2011 йилнинг ўтган 7 ойи даво-мида республикамиз божхоначи-лари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари бил-лан ҳамкорликда олиб борилган чора-тадбирлар натижасида аниқ-ланган 657 та қонунбузарлик ҳолатларида умумий қиймати 1,7 миллиард сўмлик турли пар-фюмерия ва косметика восита-ларининг ноқонуний олиб ўти-лишига чек қўйилган.

# Сўнгги саҳифа



Бухоро давлат университетининг Қоракўл туманида жойлашган 3-академик лицейи ўқувчиси Жавлон Исмомуродов математика фани бўйича Голландияда ўтказилган 52-Жаҳон олимпиадасида юқори натижани қўлга киритди.

## Жавлон — олимпиада совриндори

Ифтихор

Т.ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

Халқаро билимлар синовида ёш ҳамюртимиз дунёнинг 105 мамлакатидан келган 600 нафардан зиёд тенгдошлари орасида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали билан тақдирланди.

Кувонарлиси, ўқувчилар шу кунгача математика, физика

ва кимё фанлари бўйича жаҳон ва халқаро олимпиадаларда 25 медални қўлга киритгани бунинг ёрқин далилидир. Билим маскани биноси бундан икки йил илгари замонавий талаблар асосида янгидан қурилди. Ҳозир бу ерда 450 нафар ўғил-қиз таълим олмақда. Ўзбекистон иқтидорли ёшларининг вакили сифатида Жавлоннинг Голландиядан бронза медали билан қайтиши барча юртдошларимизни қувонтирди.

# Фарзандлари соғлом юрт

Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Тошкент шаҳар Кенгаши  
матбуот хизмати.

Пойтахтимиздаги “Истиқлол” спорт мажмуасида “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шиори остида спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Олмасор тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон “Адолат” СДП Олмасор тумани кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, туман хотин-қизлар кўмитаси, маънавий тарғибот маркази туман бўлими, шуниқдек, “Қизил ярим ой” жамияти туман бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда спортчилар, маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари, ўсмир-ёшлар иштирок этди. Тадбир қатнашчилари мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ўғил-қизларни болалигидан соғлом турмуш тарзига жалб этиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбир доирасида ташкил этилган мини-футбол, стол тенниси, шахмат, шашка, кувнок стартлар мусобақаларида туман ҳудудидаги маҳаллалардан 250 нафар ўсмир-ёш иштирок этди.

— Истиқлол туфайли фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етиши, бахтли ҳаёт кечириши учун барча имкониятлар яратилмоқда, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП фаоли, “Қизил ярим ой” жамияти туман бўлими раҳбари Хурсандой Аҳмедова. — Болаларимиз мана шу имкониятлардан унумли ва оқилона фойдаланиши, ўз иқтидорини намоён этиб, Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшиши лозим. Бундай тадбирлар ўғил-қизларимиз онгида ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мусобақа ва танлов голибларига ҳамкор ташкилотларнинг совғалари топширилди. Намойиш этилган концерт дастури иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

# Экологик тарбия ва маданият

## у қандай шаклланади?

Мулоҳаза

М. АХМЕДОВ

Ёшлиқдан хотиранга ўрнашган, оиладаги тарбия, кексаларнинг насиҳатлари туфайли онг-шуурингга синган нарсалар бир умр ёдингда қолади. “Сувга тупурма, нонни исроф қилма, ахлатни дуч келган жойга ташлама” деган ўғитларга шу боисдан ҳам қатъий амал қиламиз. Ота-боболарнинг бу сўзлари ёдидан кўтарилиб, мағзавани ариққа оқизаётган, нон бўлақларини ташлаб юбораётган, ернинг умрини беркорга ўтказаятган, ичимлик сувини тежамаётган кишилардан қаттиқ ранжиймиз.

Бугун табиатни асраб-авайлаш, унга зуғум қилмаслик бугун ер юзиде бирламчи вазифа бўлиб қолди. Матбуот, давлат ва жамоат ташкилотлари бу иш билан жиддий шуғулланмоқдалар. Фан ва техниканинг мислсиз даражада ривожланиши, саноят корхоналарининг тобора кенгайиб бораётган фаолияти боис атроф-муҳитга, ер ва сув захираларига жуда катта зарар етказилмоқда, бунинг аянчли оқибатларини фактлар, рақамлар, касалликларнинг хуружи, дарё ва кўлларнинг қуриши, сув тошқинлари, мислсиз тўфонлар, ер силкинишлари, ногаҳоний ўпирилишлар, кўплаб ҳайвонот турлари, ноёб گیёҳларнинг йўқолиб кетаётганинда кўриш мумкин. Дунё олимлари бу фалокатларнинг бевосита ва билвосита сабабларини илмий жиҳатдан ўрганиб, ташвишли хулосага келмоқдалар. Яъни, Америка Қўшма Штатлари ҳудудида беҳисоб зиён-заҳмат етказган “Катрина” тўфони, Бали ороллари ёки Японияни ларзага келтирган ер силкиниши, бошқа бир минтақадаги қурғоқчилик ёки тошқин каби фалокатлар, неча минг йилликлар давомида шаклланган табиат фасллари орасидаги мутаносибликнинг бузилиши, масалан қишнинг кўтилмаганда иссиқ келиши, ёзнинг серёғинлиги, айни саратонда жала куйиши, ўрмонзорларнинг куйиб қолушида инсоннинг бевосита айби бор. Буни асло рад этиб бўлмайди.

Шу боис она-табиатни асраб-авайлаш муаммосига бепарқ бўлмаган фидойилар ҳамма минтақаларда оёққа туришган. Улар ер, сув ва ҳавонинг ифлосланишига бундан буён йўл қўймаслик, сизу бизга бугун, келажак наслларга келгусида керак бўладиган, уларнинг саломатлиги, фарон турмушини белгилайдиган табиий бойликларимизни асраб-авайлаш тўғрисида бонг урмоқдалар, сув ҳавзаларини, қўл ва каналларни саноят чиқиндилари билан бўлгаётган, атмосферага зарарли моддалар чиқараётган завод-фабрикалар, турли ташкилотлар, хусусий корхоналар раҳбарлари зиммасига жиддий экологик жавобгарлик юкланишини талаб қилмоқдалар. Мамла-

масса идишларини ўзлари билан пастга олиб тушиб, ахлат тўкиладиган жойни қидириб кетишади. Тоғни ифлос қилмаслик учун шундай қилишади.

Атроф-муҳитга зарар етказиш бугун дунёда жазога лойиқ қўрилади. Жумладан, Сингапурда кўчага, йўлга тупурган киши 1000 доллар миқдорда жаримага тортилади. Рухсат этилмаган жойда саргата тўртатсангиз, 500 доллардан айриласиз. Германияда етаклаб юрган кучукчангиз бир жойни бўлғаб қўйса, 150 евро тўлашга мажбурсиз. Бельгия, Голландия, Люксембург мамлакатларида қоғоз парчасини, масалан, саргата бўшаган қутисини ёки ичимлик суви идишини махсус идишга эмас, йўл четига ташлаш ўта маданиятсизлик ҳисобланади. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Машҳур француз тадқиқотчиси Кусто бошлиқ команданинг тиним билмас гаввосларни кимлардир темир бочкаларга жойлаб, денгиз тубига ташлаб юборган, биз-бугун баҳри уммонни жамики жонзотлари, ноёб сувотси ўсимликлари билан бирга заҳарлашга, қириб юборишга етаклаган радиоактив моддаларни денгиз тубидан ҳаётларини таҳликага қўйиб бўлса-да, юқорига олиб чиқишганини бир эмас, бир неча марта кўрганмиз. Бу мудҳиш жиноят фақат бир марта, фақат бир жойда бўлган холос, деб ким айта олади? Табиатга нисбатан муносабат шу зайдда давом этаверса, ички тор манфаатлардан келиб чиқиб, ҳар ким ўзича қарор қабул қиларми, сунъий тўфонларни, йирик саноят корхоналарини барқарор этишда табиат қонунларига, ақин-ўтмиш тажрибаларига ва, энг муҳими, халқаро экспертларнинг холис илмий-амалий хулосаларига таянмасан, одамзот эртага бундан-да

ташвишли, бундан-да аянчли, ўнглаб, тузатиб бўлмас муаммоларга дуч келиши мумкин. Собиқ тузум даврида табиатни бўйсундириш шиори остида амалга оширилган кўпгина хом-хатала ишлар ҳеч қандай натижа бермагани, аксинча, янги-янги муаммоларни келтириб чиқаргани кўпчиликнинг ёдида, ахир.

Биргина алюминий ишлаб чиқариш саноятини олайлик. Бу соҳани ривожлантиришдаги худбинлик инсон бошига қандай кўргуликлар олиб, келаятганини Тожикистон алюмин заводи фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Дунё дунё бўлганидан бери инсоният тинчлик-тотувлик учун интилади, ўзи, болалари, келажак авлодлари тўқ ва фаровон яшашини, турли табиий офатлардан, бало-қазолардан озор чекмасликни, уйда чироқ ва олов ўчмасликни орзулайди. Бугун ҳам шундай. Аммо бугунги дунё, унинг глобаллашуви шундайки, эндиликда бу улғу орзуга ҳар ким ўзича, ўз ҳолича, бири иккинчисидан узилган ҳолда, бири иккинчиси билан ҳисоблашмай, фақат ўзини, тор манфаатларини ўйлаб, худбинликка берилиб эриша олмайдди. Наинки экологик, айни чоғда илмий-техникавий тараққиётда, маданий, иқтисодий муносабатларда, табиат билан муомалада ҳам бу ҳолни яққол кўриш мумкин. Яъни ер юзиде тинчликни сақлаб қолиш, она-заминда ҳаёт учун зарур бўлган шарт-шароитларга зиён-заҳмат етказмаслик муаммоси аллақачон умуминсоний муаммога айланиб бўлди. Буни англаш учун инсонга, у қаерда ва қандай яшашидан қатъи назар, энг аввало, экологик тарбия ва маданият зарур. Бу маданиятни эгаллаш инсонни комиллик сари етаклайди.



# Мен мактабга тайёрман

Таътил ўтди соз

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, “Adolat” мухбири.

“Яхши дам — меҳнатга ҳамдам”. Агар бу иборани сал ўзгартирсак-чи? Яъни “Яхши дам — мактабга ҳамдам” қабилида. Ахир йил давомида таълим олиб, ўқиш, шеър ёдлаш, математикадан ҳисоблаш машқлари, жисмоний тарбияда югуриш ва яна ана шу дарсларни ҳар кунни уйда такрорлаш... Буларнинг барчаси ўғил-қизларда жисмоний ва руҳий чарчоқликни юзага келтириши, табиий. Шу аснода уларга ёзги таътил берилишидан асосий мақсад ҳам аслида шу — мароқли дам олиб, соғлиқни тиклаш, янги ўқув йилига ҳар томонлама тайёр бўлиш ва келажакда машгулотларни яхши ўзлаштиришдир.

Жамиятимиздаги барча аҳолининг истак, эҳтиёжларини мамлакат миқёсида олиб чиқиш ва ҳал этишга ёрдამлашаётган, айниқса, иқтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга беиминдор ёрдам бериб келаятган “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси бу галги эътиборини ҳам мамлакатимиз келажак бўлиши болажонларимиз саломатлигини тиклаш ва мактабга тайёрлашга қаратгани билан эътирофга сазовордир. Жумладан, жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси Тиббий-иқтимоий марказида ҳар йили анъанавий тарзда уюштирилиб келинаётган “Соғлом авлод” ёзги дам олиш оромгоҳи ташкиллаштирилди. Муҳими шундаки, анъанана мувофиқ оромгоҳ-

нинг бу йилги тарбияланувчиларини ҳам кам таъминланган, боқувчисини йўқотган болажонлар бўлди.

Мамлакатимиздаги ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда болаларнинг таътил вақтларини мароқли ўтказиш учун ташкил этилган ушбу соғломлаштириш оромгоҳлари шу кунгача тўрт сменада, жами 200 нафар пойтахтлик оилалар фарзандларини қабул қилди. Улар учун турли тўғарақлар, маданий-маърифий, спорт дастурлари ташкил этилди. Шу билан бирга, тарбияланувчи-

лар жамғарма тиббий-иқтимоий марказининг малакали шифокорлари назоратида бўлиб, зарур турли витамин ва дори-дармонлар билан таъминланди. Айниқса, Самарқанддаги “Ситора”, Фарғона вилоятидаги “Хумо” ҳамда Тошкент вилоятига қарашли “Оқтош” кимёгарлар оромгоҳларига уюштирилган саёҳатлар унутилмас дамларга бой бўлди.

— Ун икки кун бир пасда ўтдикетди, гўё, — дейди Тошкент шаҳридаги 246-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Сунат Исмоилов. — Чунки, салқин ва кўркаман зарари, барча шароитларга эга мазкур “Соғлом авлод” оромгоҳида биз нафақат дам олдик, сув ҳавзасида чўмилидик, спорт билан шуғулландик, ҳайвонот боғига саёҳат қилдик, янги дўстлар орттирдик, қолаверса, ширинсўз шифокорлар назоратида соғлиғимизни тиклаб олишга ҳам эришдик. Демак, мен энди мактабга боришга ва таълим олишга ҳар томонлама тайёрман.

Яқинда оромгоҳнинг ёпилиши маросими тантанали ўтказилиб, қизиқарли дастурлар намойиш этилди. Унда айнан дам олувчилар ижросидаги куй-қўшиқ ва рақсларни кузатар эканмиз, юзкўзларда сезилиб турган жўшқин кайфиятлари бахтиёрлик белгиси эди.

“Adolat” газетаси жамоаси таҳририятининг собиқ ходими **Аскар ЖАЛИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.



**ADOLAT**  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Ташкил қилувчи: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САЙФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазор ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қолир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Рашид ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАИР КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Ташкил қилувчи: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. adolat\_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК бошқарувида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г — 800. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз биниши А-2. Адади — 4127. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00

1 2 4 5

7 7 2 0 1 1 5 2 1 0 0 9